

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТОЖИЕВА ИРОДА МИРСОЛИ ҚИЗИ**

**ГЕСТАЦИОН ҚАНДЛИ ДИАБЕТ РИВОЖЛАНИШИДА  
БИОМАРКЕРЛАР ЎРНИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.03 – Эндокринология  
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Тожиева Ирода Мирсоли қизи**

Гестацион қандли диабет ривожланишида биомаркерлар

ўрнини баҳолаш..... 3

**Тожиева Ирода Мирсоли қизи**

Оценка роли биомаркеров в развитии гестационного

сахарного диабета..... 25

**Tojjeva Iroda Mirsoli kizi**

Assessment the role of biomarkers in the development of

gestational diabetes mellitus..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 50

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТОЖИЕВА ИРОДА МИРСОЛИ ҚИЗИ**

**ГЕСТАЦИОН ҚАНДЛИ ДИАБЕТ РИВОЖЛАНИШИДА  
БИОМАРКЕРЛАР ЎРНИНИ БАҲОЛАШ**

**14.00.03 – Эндокринология  
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib1398 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбарлар:**

**Халимова Замира Юсуфовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Зуфарова Шахноза Алимджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Нажмиддинова Дилором Камаритдиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Катгаходжаева Махмуда Хамдамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлис залли. Тел/факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунлари тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.А. Алиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Гестацион қандли диабет – метаболик хасталик бўлиб, илк бор ҳомиладорликда юзага келган глюкозага толерантликнинг бузилиши билан намоён бўлади [ADA,2009]. Мазкур хасталикнинг тарқалганлиги дунёнинг турли ҳудудларида 1-14% ни ташкил қилади. Гестацион қандли диабет тарқалиши бутун дунёда семизлик ва қандли диабет 2 тури ортиши билан параллел равишда ўсиб бормоқда [Domanski G., 2018]. Углевод алмашинуви бузилиши билан боғлиқ касалликлар орасида гестацион қандли диабетга алоҳида эътибор қаратилади. Гестацион қандли диабет ташхиси ва мониторинги масалалари ўта долзарб ҳисобланиб, бу вазият анъанавий маркерларнинг таҳлилига асосланган лаборатор алгоритмларни оптималлаштиришда ўз аксини топмоқда. Эпидемиологик маълумотлар таҳлили кўрсатдики, жаҳонда аёллар орасида гестацион қандли диабет билан касалланиш кенг тарқалганлиги кузатилмоқда, шунинг учун ушбу ҳолатини олдини олиш ва касалликни тўғри ташхислаш бугунги кунда эндокринолог ва гинекологларнинг олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда гестацион қандли диабет олдини олиш услубларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада гестацион қандли диабетнинг этиологик сабаблари, биомаркерлари ва ривожланишининг эрта предикторларини аниқлашга доир илмий тадқиқотлар устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. Гестацион қандли диабет ривожланишининг эрта башорати, ҳамда уни даволаш ва олдини олиш бўйича рационал чора-тадбирлар тайинлаш мазкур соҳа мутахассислари учун долзарб муаммо ҳисобланади. Рандомлаштирилган тадқиқотларнинг (НАРО ва б.) натижалари кўрсатишича, гестацион қандли диабет ҳомила макросомияси, кесар кесиш ва муддатдан аввалги туғруқлар частотаси ошиши, преэклампсия ривожланиши, неонатал гипогликемия каби перинатал асоратлар ривожланишининг бевосита хавф омили бўлиб ҳисобланади. ГҚД да акушерлик асоратлари орасида гипергликемиянинг ривожланиши алоҳида аҳамият касб этади [Melchior H., 2017].

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги эндокрин касалликларни тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>1</sup> каби вазифалари белгиланган.

Ушбу вазифалар аҳоли орасида эндокрин касалликларни камайтириш, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик ривожланишининг хавф омилларининг асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 майдаги ПФ-4295-сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ГҚД моддалар алмашинувининг тез тез бузилиши ва нохуш акушерлик ва перинатал яқунларнинг юқори хавфи билан боғлиқ бўлади. Дунёда ГҚД нинг тарқалганлиги 1-22 % гача тебранади, бу тадқиқ этилаётган аҳолининг генетик фонига, ташхислашда қўлланилаётган услубларга ва атроф муҳит омилларига боғлиқ бўлади [Domanski G., 2018]. Халқаро диабет федерацияси (IDF) томонидан эълон қилинган ҳисоботда ҳар еттинчи туғилган гўдак GDM дан азият чекиши мумкин эканлиги қайд этилган [International, 2015]. ГҚД ни даволамаслик она ва чақалоқнинг ҳаётига жиддий таҳдид солиши мумкин. Мисол учун, онага преэклампсия ва/ёки эклампсия хавфи 8 мартага ортади. Худди шу тариқа ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлган гипертония ва туғруқдаги шикастлар частотаси ҳам адаптация аномалиялари, чақалоқ макросомияси ва кесар кесиш зарурати ҳам ортади [Melchior H., 2017]. ГҚД ли аёлларнинг аксариятида, деярли 50% ида, каттароқ ёшларида 2 тур диабет юзага келади. ГҚД бўлган оналарнинг аждодларида глюкозанинг қондаги миқдори ортиши ва аминокислота липид профилларининг ўзгариши кузатиладики, улар инсулин ажралиши ва ўсиш омилларини рағбатлантиришади. Натижада бу болаларда 2 тур диабетининг болалар ва ўсмирлар ёшида ривожланиши 6 мартага кескин ортади [Domanski G., 2018].

Аксарият ҳомиладорларда касаллик енгил гипергликемия билан кечиши ва яққол клиник симптомлари йўқлиги туфайли ГҚД хусусиятлари орасида қийинчиликлар – уни ташхислаш ва кеч намоён бўлиши ҳисобланади. Бир қатор ҳолатларда чақалоқларда ГҚД ташхиси диабетик фетопатия (ДФ) нинг фенотипик аломатларига кўра туғруқдан кейин ретроспектив равишда аниқланади ёки умуман аниқланмайди. Айнан шу сабабдан кўплаб мамлакатларда (айниқса, аҳоли ўртасида ҚД 2-типи кўп учрайдиган) ҳомиладорликнинг мазкур асоратини аниқлаш мақсадида ялпи фаол скрининг ўтказилади [Бурумкулова, 2011].

Бундан ташқари, мамлакатимизда бугунги кунга қадар ГҚД га скрининг тизими мавжуд эмас, уни эрта аниқлаш ва башоратлаш муаммолари ҳал

этилмаган. Бугунги кунга қадар ГҚД патогенези етарлича ўрганилмаган. Мазкур касаллик юзага келишининг сабаби ягона эмас. Бугунги кунда ГҚД билан боғлиқ биомаркерларни излаш ишлари фаол олиб борилмоқда, бир қатор биомаркерлар бўйича тадқиқот натижалари эълон қилинган. Бирок аниқланган маркерларнинг ГҚД нинг клиник аломатлари билан ўзаро алоқаси аниқ исботланмаган ва ҳар доим ҳам кузатилмайди. Шу сабабдан ГҚД ва асоратларининг предикторларини излаш долзарб ҳисобланади.

ГҚД бўлган аёлларни самарали аниқлаш моделларини, ўз вақтида ташхислаш, маршрутизация ва профилактика стратегиясини ишлаб чиқиш зарур, бу эса гестацион диабетни даволашни салмоқли енгиллаштиради ва саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам беради. ГҚД даволаш эмас, балки профилатикаси саломатлик нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодиёт нуқтаи назаридан ҳам устуворликка эга. Диабети бўлмаган, аммо ГҚД хавфи бўлган аёлда глюкоза миқдорининг биров бўлса ҳам пасайиши ҳомиладорлик кечиши учун ва бўлажак авлод саломатлиги учун аҳамиятли омил бўлиши мумкин. Шу тариқа, гестацион қандли диабет мураккаб ва кўпомилли патология бўлиб, у охиригача ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалиёт тиббий марказининг тадқиқотлар режасига мувофиқ ПЗ-2017093062 «Гестацион диабет, ҳамда у билан боғлиқ акушерлик ва перинатал асоратларнинг профилактикаси моделини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** клиник-метаболик предикторлари ва биокимёвий маркерларини аниқлашдан орқали ҳомиладорларда гестацион қандли диабет ривожланиш хавфини башоратлашдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳомиладорлар скрининги натижалари асосида Ўзбекистоннинг олти намунавий ҳудудида гестацион қандли диабет учраш частотасини аниқлаш ва тиббий-ижтимоий ва клиник-анамнестик кўрсаткичларни қиёсий баҳолаш;

ГҚД ривожланишини башоратлаш учун аҳамиятли бўлган анамнестик, клиник-метаболик предикторлар ва биокимёвий маркерларни ажратиб олиш;

ГҚД маркерларининг анамнестик, клиник-метаболик кўрсаткичлари, гинекологик, соматик патологияларнинг параметрлари, шенингдек мазкур ҳомиладорлик кечиши кўрсаткичлари билан корреляцион муносабатларини баҳолаш;

аниқланган ГҚД хавфи омилларининг прогностик қийматини баҳолаш, ҳамда ҳомиладорлар орасида хавф гуруҳини эрта аниқлашга ёрдам берадиган клиник-анамнестик комбинациялар ва биокимёвий омилларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида республикамизнинг олти намунавий ҳудудидан 1804 нафар ҳомиладорнинг скрининг маълумотлари ва ГҚД бўлган 192 нафар беморнинг клиник-лаборатор текширув натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида венадан олинган қон ва унинг зардоби асосида клиник гормонал ва биокимёвий текширувлар натижалари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умум клиник, биокимёвий (С реактив оксил, ферритин), гормонал (ЖГБГ, витамин Д) ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

клиник-анамнестик, метаболик ва биокимёвий маркерларни гестацион қандли диабет ривожланишини башоратлашдаги аҳамияти исботланган;

гестацион қандли диабет хавфи ортишида лаборатор биомаркерларнинг (ЖГБГ, С реактив оксил, ферритин ва витамин Д) инсулинрезистентлик кўрсаткичлари билан боғлиқлиги асосланган;

илк бор наслий мойиллик, хомиладорлар ёши, чақалоқ вазни, юқори паритет ва елка ўрта учдан бир қисмининг айланаси каби клиник биомаркерларни гестацион қандли диабет ривожланишидаги башоратловчи белгилар сифатида аниқланган;

гестацион қандли диабетда хомиладорлик ва туғруқ асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва частоталарини пасайтириш имконини берувчи ва гестацион қандли диабет ривожланишини башоратловчи дастур ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хавф гуруҳини аниқлаш мақсадида хомиладорларда кундалик амалиёт учун ГҚД ривожланишини башоратлашнинг дастурини қўллаш бўйича ёндашувлар ишлаб чиқилган;

хар триместрда биомаркерлар (ЖГБГ, СРО, ферритин ва витамин Д) даражасини аниқлаш орқали хомиладорликка тайёрланаётган репродуктив ёшдаги аёлларни кузатиш мезонлари аниқланган;

ГҚД ривожланишини башоратлаш учун таклиф қилинган дастур хомиладорлик ва туғруқда асоратларни камайтириш мақсадида эҳтимолий хавф гуруҳини шакллантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ҳамда усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сони ва етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири-иккинчисини тўлдирадиган клиник-анамнестик, биокимёвий, статистик тадқиқот усуллари асосида гестацион қандли диабет ривожланишида биомаркерлар ўрнини баҳолашнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хомиладорларда гестацион қандли диабет ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлашда клиник-метаболик предикторлар ва биокимёвий маркерларнинг ўзгариш мезонлари баҳолашга доир олинган назарий хулосалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник-анамнестик ва биокимёвий омилларни инобатга олган ҳолда хомиладорларда ГҚД хавфини башоратловчи дастур ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Хомиладорларда хавфни башоратлаш моделини ишлаб чиқиш учун гестацион қандли диабетнинг



клиник-метаболик предикторлари ва биокимёвий маркерларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг олинган илмий натижалари асосида:

«Д витамин ва гестацион қандли диабет» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 8н-д/144-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ҳомиладор аёлларда витамин Д етишмовчилигини меъёрлаштириш йўли билан гестацион қандли диабет ривожланишини олдини олиш имконини берган.

Гестацион қандли диабет ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладор аёллардаги миқдорини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар, соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд вилоят эндокринологик диспансери ва Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигини 2020 йил 17 декабрдаги 8н-з/197-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши она ва болаларда 2 тип қандли диабетни ривожланиш хавфини камайтиришга, эрта ташхислашни, касаллик кечишини башорат қилиш, ўз вақтида келиб чиқадиган асоратларни профилактикасини оптималлаштиришга, ҳамда беморлар ҳаёт сифатини яхшилаб, даволаш чора-тадбирларининг самародорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 5 ҳалқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 13 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, жумладан 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил қилди.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, иш натижаларининг апробацияси ва нашр этилганлиги, ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Гестацион қандли диабет: тарқалганлиги, хавф омиллари, ташхислаш мезонлари ва маркерлари**» бобида мавзу асосий аҳамиятининг хорижий ва маҳаллий адабиётларда келтирилган замонавий натижалар мисолида тавсифланган. Бу бобда ГҚД тарқалганлиги, касаллик хавф

омиллари, ГҚД ташхислаш мезонлари, метаболик маркерлар ва ГҚД да яллиғланиш маркерлари эволюциясининг босқичлари бўйича маълумотлар келтирилган. Бу муаммонинг илмий ечимига муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Иккинчи «**Клиник материал ва тадқиқот услубларининг умумий тавсифи**» бобда тадқиқот объекти, материаллар ҳажми ва беморлар тавсифи, баҳолаш услублари келтирилган.

Қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ушбу тадқиқот 3 босқичда амалга оширилди.

*Биринчи босқичда* Ўзбекистонинг олти намунавий ҳудудлари: Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги ҳомиладор аёлларда скрининг текшируви ўтказилди. Тадқиқотнинг мазкур босқичи «ГҚД нинг Ўзбекистонда профилактикаси ва мониторинги стратегияси» WDF ҳалқаро гранти доирасида олиб борилди.

Тадқиқотнинг мазкур босқичи вазифаси – юқори хавф гуруҳини эрта аниқлаш мақсадида гестацион диабетнинг учраш частотасини баҳолашдан иборат бўлди.

19-39 ёшдаги ҳомиладор аёлларнинг скрининги 2017-2019 йиллар оралиғида амалга оширилди.

Скрининг босқичида зарурий сўровномалар тўлдирилди, ҳамда стандарт клиник-анамнестик текширувлар (анамнез тўплаш, антропометрик, умумклиник ва биокимёвий тадқиқотлар) ўтказилди.

ГҚД ташхиси оч қоринга венадаги қонда глюкозанинг  $<0,7$  ммоль/л ва  $\geq 5,1$  ммоль/л миқдорида қўйилди, 1 соатдан сўнг ( $\geq 10,1$  ммоль/л кўрсаткич) ва 2 соатдан сўнг ( $\geq 8,5$  ммоль/л) 75 г глюкоза билан оғиз орқали глюкозага толерантлик тести (ПГТТ) кўрсаткичлари кузатилди [World Health Organization, 2013].

Дастлабки ишловлар натижалари бўйича 63 нафар аёл бузилган анкеталар, ПГТТ ўтказишдан бош тортгани туфайли, ОГГТ тугатмаганлиги, ичилган глюкозадан сўнг қон топширишдан бош тортганлиги туфайли тадқиқотдан холи этилди.

Демак, электрон маълумотлар базасига 1804 нафар аёлнинг натижалари киритилди (улардан 302 нафари Қашқадарё, 324 – Наманган, 274 – Самарқанд, 246 – Сурхондарё, 298 – Фарғона ва 360 – Хоразм вилоятларидаги аёллардир). Скрининг давомида сўровда қатнашган беморларга ГҚД хусусиятлари ва унинг асоратлари ҳақида маълумотлар берилди.

*Иккинчи босқичнинг* вазифаси ГҚД нинг тиббий-ижтимоий, клиник-анамнестик кўрсаткичларининг қиёсий баҳоси, унинг ривожланишида энг аҳамиятли хавф омилларини аниқлаш ва ГҚД ривожланишида биомаркерлар ўрнини ўрганишдан иборат бўлди. Тадқиқотларнинг мазкур босқичи «Гестацион қандли диабет, ҳамда у билан боғлиқ акушерлик ва перинатал асоратлар профилактикаси моделининг ишланмаси» ПЗ-2017093062-сон гранти доирасида олиб борилди.

Қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 19-39 ёшдаги 311 ҳомиладорлардан 3 гуруҳ шакллантирилди. Асосий гуруҳга гестацион қандли

диабети бўлган 192 нафар ҳомиладор киритилди, иккинчи гуруҳга – 75 г глюкоза билан ОГГТ ўтказилганда тасдиқланмаган ГҚД, бироқ бир ёки бир неча хавф омиллари бўлган ҳомиладорлар (солиштириш гуруҳи) ва учинчи гуруҳ – хавф омиллари бўлмаган 58 нафар шартли соғлом ҳомиладор аёллардан иборат бўлди (назорат гуруҳи).

*Учинчи босқичнинг* вазифаси ГҚД нинг хавф омиллари ва лаборатор биомаркерларнинг прогностик қийматини аниқлаш, ҳамда ҳар бир омилнинг ГҚД ривожланишига маълум ҳисса қўшишини инобатга олган ҳолда кўпомилли башорат моделини яратишдан иборат бўлди.

Барча аёлларда стандарт клиник текширув ўтказилди, у эндокринолог ва гинеколог кўриги, анамнез тўплаш, йўлдош касалликларнинг мавжудлиги, наслий мойилликни текширишдан иборат бўлди. Шу билан бирга антропометрик кўрсаткичлар ўрганилди (бўй ва вазни ўлчаш, тана массаси индексини аниқлаш).

Вена плазмасида *глюкоза концентрацияси*, ҳамда 1 ва 2 соатдан кейин 75 г глюкоза билан қайта ОГГТ ўтказилгандан сўнг «Human» фирмаси (Германия) тўплами билан глюкооксидаза услубини қўллаш орқали аниқланди.

*Гликирланган гемоглобин (HbA1c)* «Human» (Германия) фирмаси реагентлари ёрдамида бевосита фотометрик услуб орқали бажарилди.

*Инсулин* даражаси Эндокринология РИИТМ марказий лабораториясида Cobas Roche (Германия) стандарт тўпланини қўллаш орқали Elecsys ва cobas e. анализаторида электрохемилюминесцент услуб ёрдамида аниқланди.

Инсулинрезистентлик кўрсаткичи (ИР) НОМА (homeostasis model assessment) индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$\text{НОМА} - \text{ИР} = \frac{\text{оч қоринга инсулин (мк Ед/мл} \times \text{оч қоринга глюкоза (ммоль/л)}}{22,5}$$

НОМА индекси қанчалик баланд бўлса, инсулинга сезувчанлик шу қадар паст бўлади, демак инсулинрезистентлик юқори бўлади. 2,5 дан юқори кўрсаткич ИР нинг объектив кўрсаткичи ҳисобланади.

*Қон липид спектри тадқиқоти* (ОХС, ТГ ХС ЮЗЛП и ХС ПЗЛП) ферментатив колориметрик услуб ёрдамида «Human» (Германия) фирмасининг реагентлари билан ўтказилди.

ХС ПЗЛП кўрсаткичлари W.Friedwald нинг (1972) формуласи бўйича ҳисобланди:  $\text{ХС ПЗЛП} = \text{ОХС} - (\text{ТГ}/2,2 + \text{ХС ЮЗЛП})$  ммоль/л.

Липид спектрнинг мақсадли кўрсаткич даражалари сифатида қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилди: ОХС учун - <4,5 ммоль/л; ПЗЛП - <2,5 ммоль/л; ХСЮЗЛП > 1,0 ммоль/л; ТГ - <1,7 ммоль/л [Алгоритми, 2017].

*Жинсий гормонларни боғловчи глобулин (ЖГБГ), витамин Д, ферритин миқдори, С-реактив оқсил миқдори (СРО)* Cobas Roche (Германия) стандарт тўпланини қўллаш орқали Elecsys ва cobas e имункимёвий анализаторида электрохемилюминесцент услуб ёрдамида аниқланди.

#### **Натижаларнинг статистик ишлови**

Натижаларнинг статистик ишлови Statistica 6.0 (StatSoft, USA) амалий дастурлар пакети ёрдамида ўтказилди. Имкониятлар муносабати (ИМ) ва 95%

ишончилилик интервали (95%ИИ) логистик регрессияни қўллаш орқали ҳисобланди (онлайн ҳисобчилар <http://medstatistic.ru/calculators.html>; <https://statpages.info>).

Кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги нопараметрик  $\chi^2$  (Пирсон) мезони ёрдамида баҳоланди. Миқдорий кўрсаткичлар меъёрий тақсимланишда  $M \pm SD$  кўринишида тақдим этилди. Гуруҳлар орасидаги фарқлар  $p < 0,05$  да статистик аҳамиятли деб топилди.

Омилларнинг прогностик қиймати ROC-эгри чизик тузиш орқали ROC - таҳлил (Receiver Operator Characteristic) ўтказилиши билан баҳоланди.

Башоратловчи самарадорлик (AUC (Area Under Curve) – таснифчи (классификатор)) стандарт формула ёрдамида аниқланди:  $AUC = (Se + Sp) / 2$ ; бунда Se (sensitivity) ва Sp (specificity) – сезувчанлик ва маркернинг ўзига хослиги. ГҚД ривожланишининг хавфини баҳолаш учун математик модель кўп омилли регрессия орқали қурилди.

ГҚД ривожланиши хавф омилларидан ҳар бирининг аҳамиятини баҳолаш учун Е.Н.Шиган модификациясидаги [Шиган Е.Н., 1986] Байес услуби қўлланилди. Омиллар аҳамияти ва уларнинг градациялари нисбий хавф кўрсаткичини (relative risk - RR) қўллаш орқали аниқланди, бу кўрсаткич омил “вазни” га НИП, ҳамда этиологик улуш (etiological fraction – EF) кўпайтмаси шаклида берилган [Денисов Э.И., 2006].

Ҳомиладорларни скрининг қилиш учун танлови ҳисоби онлайн ҳисоблагичда <https://www.calculator.net/> амалга оширилди. Текширувда тадқиқотнинг репрезентативлигини таъминладиган ҳомиладор аёллар миқдори қуйидаги формула билан ҳисобланди:

$$n_i = n \frac{N_i p_i q_i}{\sum N_i p_i q_i}$$

бу ерда  $n_i$  – зарурий танлов сони;  $N_i$  – умумий йиғинди сони;  $p_i$  ва  $q_i$  – умумий йиғинди синфларидаги ҳар бир улуш ва унинг тескари катталиги.

Диссертациянинг **учинчи «Эпидемиология, клиника ва гестацион диабет хавфи омиллари»** боби уч қисмдан иборат. Биринчи қисм гестацион қанд диабетини учраш частотасини баҳолашга йўналтирилган. Умумий ҳисобда 1804 ҳомиладор аёлнинг анкеталари тузилди ва ҳолатлари баҳоланди (оч қоринда гликемия даражаси ва 75 г сувсиз глюкоза перораль глюкозотолерантлик тести (ПГТТ) асосида). Ҳомиладорлик муддати 18 ҳафтадан 32 ҳафтагачани (ўртача  $25,9 \pm 5,0$  ҳафтани) ташкил этди. Гестациянинг ўртача муддати  $25,9 \pm 5,0$  ҳафтага тўғри келди.

Ўзбекистоннинг олти намунавий худудларида ҳомиладор аёлларнинг скрининги маълумотларига кўра, гестацион диабетнинг учраш частотаси 10,5 %ни ташкил этди. Текширувдан ўтказилганларнинг учдан бир қисми (33,4 %) кўп марта туққан ва 25-29 ёш диапазонидаги аёллар бўлишди. Тананинг ортиқча массаси ва семириш ҳомиладорларнинг 19,5 % ва 7,8 %ида қайд этилди.

**«Текширилганларнинг қиёсий демографик, анамнестик, клинко-метаболик ва биокимёвий таснифлари»** деб номланган иккинчи қисмда гестацион қанд диабетининг тиббий-ижтимоий, клиник-анамнестик

кўрсаткичларини солиштирма баҳолаш натижалари келтирилган ва унинг ривожланиш хавфининг энг аҳамиятли омиллари аниқланган.

Ушбу таҳлил учун материал бўлиб 19 ёшдан 39 ёшгача бўлган 311 ҳомиладор аёлларнинг маълумотлари хизмат қилишди. Улардан 192 нафар гестацион қанд диабетили аёл асосий гуруҳни, хавфнинг бир ёки бир неча омили қайд этилган, аммо 75 г сувсиз глюкоза ПГТТ асосида ГҚД тасдиқланмаган 61 ҳомиладор солиштириш гуруҳини ва шартли соғлом ҳисобланган, хавф омили бўлмаган 58 ҳомиладор аёл назорат гуруҳини ташкил этишди. Тадқиқотга қўшилган аёллар ёшларида (ГҚДлилар – ўртача  $26,8 \pm 4,4$  ёшда, солиштириш гуруҳи –  $25,5 \pm 3,7$  ёш, назорат гуруҳида ўртача  $25,7 \pm 4,9$  ёш;  $p=0,06$ ) ва ҳомиладорлик муддатларида (ГҚДлилар –  $25,5 \pm 6,2$  ҳафта; солиштириш –  $26,4 \pm 4,7$  ҳафта; назорат –  $25,4 \pm 5,3$  ҳафта;  $p=0,53$ ) фарқ бўлмади.

Бизнинг тадқиқотимизда ҳомиладорлик даврида ТМИ ва тана вазнининг ошишидаги ишончли фарқ қайд этилди. Жумладан, ГҚДли гуруҳда вазннинг ортиши ( $9,0 \pm 6,7$  кг;  $p < 0,0001$ ) солиштириш гуруҳидагига ( $7,6 \pm 4,2$  кг) ва назорат гуруҳидагига нисбатан ( $5,5 \pm 3,5$  кг) ишончли юқори бўлди. ТМИнинг қиймати кўп ҳолларда ҳомиладорликдан олдин маълум бўлмаганлиги сабабли вазннинг ортишини ҳисоблаш имкони бўлмади. Шу туфайли бу кўрсаткич сифатида ҳомиладорлик даврида минимал ўзгарадиган елка айланаси (ЕА) ўлчамидан фойдаланиш мумкин. Бизнинг маълумотларимизга кўра, солиштириш ( $24,9 \pm 2,8$  см) ва назорат гуруҳларидагига ( $22,2 \pm 2,6$  см) қараганда ГҚДли аёллар гуруҳида ЕА ( $27,6 \pm 3,7$  см;  $p < 0,0001$ ) ишончли юқори бўлди.

Халқаро диабет ва ҳомиладорликни ўрганиш ассоциацияси (IADPSG) нинг 2010 йил тавсиясига мувофиқ [International Association, 2010], ГҚД ташхиси ПГТТ натижаларининг бир ёки бир неча қийматлари мос бўсага қийматларидан катта бўлгандагина қўйилади.

ГҚДда оч қориндаги ва 1 соат ўтгандан кейинги гликемия даражаси, HbA1c, инсулин ва НОМА-IR индекси ишончли юқори бўлди.

Текширилган миждозларда углевод алмашинувини умумий баҳолаш жараёнида ГҚДли аёлларда кечадиган аҳамиятли ўзгаришларга алоҳида эътибор бериш лозим. ГҚДли миждозлар гуруҳида инсулин даражаси, НОМА-IR индекси, гликирланган гемоглобин ортганига қараганда, бу ўзгаришлар углевод алмашинувини жадаллаштиришга йўналтирилган бўлиб, ГҚД билан оғриган беморларда инсулинга резистентлик аҳамиятли бўлишига гувоҳлик бермоқда

Инсулинга резистентликнинг ГҚДнинг яна бир диагностик маркери – жинсий гормонларни боғловчи глобулин (ЖГБГ)дир. Бизнинг тадқиқотимизда ГҚДли гуруҳда ( $43,2 \pm 21,7$  нмоль/л) солиштириш ( $55,9 \pm 20,2$  нмоль/л) ва назорат гуруҳларидагига қараганда ЖГБГ даражаси аҳамиятли пасайиши кузатилди.

ГҚДлилар гуруҳида липид алмашинуви кўрсаткичлари таҳлили ТГ қиймати ( $3,47 \pm 1,12$  ммоль/л) ва ТГ/ЮЗЛП нисбатининг ( $2,06 \pm 1,06$ ) ишончли юқори эканлигини, ЛПВП ( $1,43 \pm 0,36$  ммоль/л) паст эканлигини кўрсатди. ОХС ва ПЗЛП даражалари ишончли фарқ кўрсатишмади. Эътиборлиси шундаки, ГҚДлилар гуруҳида ТГ/ЮЗЛП нисбати ( $2,06 \pm 1,06$ ;  $p < 0,0001$ ) ишончли юқори бўлди.

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи НКД ривожланишининг бир қатор биокимёвий маркерларининг аҳамиятини аниқлашга йўналтирилди.

D витаминининг ҳомиладорликнинг меъёрий кечишида қатнашуви, шунингдек унинг танқислигининг гестацион четланишлар ривожланиши механизмида ўрни аҳамиятли эканлиги ишончли фактдир. Маълумотларнинг таҳлили кўрсатишича, текширилган популяцияда D витаминининг танқислиги мавжуд.

Барча гуруҳларда ўртача кўрсаткич  $17,7 \pm 7,3$  нг/мл ни ташкил этди, ва бу D витамини танқислиги статусини кўрсатди. Гуруҳлар кўрстакичларини солиштиришда ГҚДли гуруҳда D витамини даражаси ишончли паст эканлиги аниқланди. Чунки назорат гуруҳида D витамини даражаси  $19,9 \pm 8,4$  нг/мл ни, солиштириш гуруҳида  $17,1 \pm 7,5$  нг/мл ни ва ГҚДлилар гуруҳида  $15,5 \pm 5,9$  нг/мл ни ( $p < 0,0001$ ) ташкил этди.

Ҳомиладорликнинг кечишини оғирлаштирувчи касалликлардан бири – анемиядир. Темир алмашинуви кўрсаткичлари орасида Hb ва ферритин даражаси аниқланди, бунда фақат Hb даражаси 110,0 г/л дан кичик бўлган ҳомиладор аёлларда ферритин концентрацияси ўрганилди.

Бизнинг тадқиқотимиз натижаларининг кўрсатишича, Hb даражаси ГҚДлилар ( $104,2 \pm 10,8$  г/л) ва солиштириш ( $103,5 \pm 11,0$  г/л) гуруҳларида назорат гуруҳидагига ( $113,6 \pm 3,8$  г/л) қараганда ишончли паст бўлди. Ферритин даражаси  $Hb > 110$  г/л бўлган аёлларда аниқланди ва буеда тескари тенденция қайд этилди: ГҚДлилар гуруҳида у ишончли юқори бўлди ( $85,3 \pm 21,0$  нг/дл).

Яллиғланиш тўқималар гомеостазига кўмаклашувчи физиологик жараён бўлиб, унга ошиғич жавоб ёки кам акс таъсир турли касалликларни келтириб чиқаради. Бизнинг тадқиқотимизда СРО даражаси ГҚДли ҳомиладор аёлларда ( $9,33 \pm 5,1$  мг/л) солиштириш ( $5,3 \pm 1,8$  мг/л) ва назорат гуруҳларидагига ( $4,21 \pm 1,4$  мг/л,  $p < 0,0001$ ) қараганда аҳамиятли юқори бўлди.

Бундан кейин биз томонимиздан ҳомиладор аёллар учун кўрсаткичларнинг референс диапазони ва 95 %ли ишончли интервали (ИИ) ариқланди. Референс диапазонини аниқлаш ГҚД ривожланиш хавфини башоратлаш учун аҳамиятга эга бўлган омилларни аниқлаш ва ҳомиладорликнинг оғир кечишининг олдини олишда кўмаклашади.

Шундай қилиб, ҳомиладорларнинг анамнестик, клиник-метаболик ва биокимёвий параметрларнинг солиштира таҳлили шуни кўрсатдики, метаболик четланишларнинг МТИ каби маркери ГҚДли аёлларда ва солиштириш гуруҳи аъзоларида назорат гуруҳидагига нисбатан ишончли юқори бўлди. Худди шундай тамойил тана вазнининг ошиши ва елка айланаси ўлчами учун мавжудлиги аниқланди.

Липид алмашинувининг ТГ даражаси ва ТГ/ЮЗЛП нисбатининг ортиши кўринишидаги издан чиқиши ва резистентлик индекси ортиши фонида ЮЗЛП нинг пасайиши аксарият ҳолларда ГҚДли аёлларда қайд этилди. ГҚДли аёлларнинг лаборатор биомаркерлари сифатида ферритин ва СРО кўрсаткичларининг юқори бўлиши билан биргаликда кечадиган ГСПС даражаси ва D витаминининг камайиши аниқланди.

Бобнинг учинчи «Гестацион қанд диабети хавфи омилларининг таркиби» қисмида биомаркерларнинг клиник кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқликларини ўрганиш давомида эришилган натижалар келтирилган.

ГҚД ривожланишини башоратлаш учун аҳамиятли омилларни аниқлаш мақсадида биз текширилган гуруҳларда айрим клиник-биокимёвий кўрсаткичларнинг учраш частоталаринининг солиштирма таҳлилини ўтказдик. Ўтказилган таҳлил кўрсатдики, ГҚДли миждлар орасида репродуктив катта ёшдаги аёллар кўпчиликини ташкил этишган (33,9 % назорат 20,7 % ва солиштириш гуруҳидаги 13,1 %га қарши;  $\chi^2=11,6$ ;  $p=0,003$ ) (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Референс қийматларга мос равишда клиник-биокимёвий кўрсаткичлар учраши частотасининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи n=58		Солиштириш гуруҳи n=61		ГҚДли гуруҳ n=192		$\chi^2$ , p
	n	%	n	%	n	%	
Ёши $\geq 30$	12	20,7	8	13,1	65	33,9	11,6; 0.003
Елка ўртаси учдан бирининг ўлчами $\geq 25,8$ см	14	24,1	18	29,5	97	50,5	17,3; <0,0001
САБ $\geq 110$ мм сим.уст.	6	10,3	7	11,5	28	14,6	0,89; 0,64
ДАБ $\geq 70$ мм сим.уст.	8	13,8	8	13,1	40	20,8	2,73; 0,26
ТМИ $\geq 24,7$ кг/м <sup>2</sup>	7	12,1	17	27,9	86	44,8	22,7; <0,0001
ОХС $\geq 4,49$ ммоль/л	10	17,2	8	13,1	47	24,5	4,19; 0,12
ТГ $\geq 1,55$ ммоль/л	14	24,1	21	34,4	89	46,4	10,1; 0,006
ЮЗЛП <1,01 ммоль/л	7	12,1	7	11,5	48	25,0	8,25; 0,02
ТГ/ЮЗЛП нисбат > 1,14	11	19,0	15	24,6	80	41,7	13,3; 0,001
ПЗЛП $\geq 2,49$ ммоль/л	8	13,8	8	13,1	36	18,2	1,49; 0,47
Инсулин > 19,8 МКЕД/мл	5	8,6	7	11,5	125	65,1	90,3; <0,0001
НОМА индекси > 2,32	4	6,9	4	6,6	121	63,0	95,9; <0,0001
ЖГБГ <31,4 нмоль/л	7	12,1	8	13,1	41	21,4	7,52; 0,02
СРО $\geq 4,56$ мг/л	8	13,8	14	23,0	60	31,3	7,45; 0,02
Витамин D <20 нг/дл	16	27,6	20	32,8	92	47,9	9,80; 0,007
Ферритин $\geq 43,5$ нг/дл	5	8,6	6	9,8	40	20,8	7,23; 0,03

Гемодинамика кўрсаткичлари таҳлиliga кўра, ўрганилган гуруҳларда САБ $\geq 110$  мм.сим.уст. частотаси (14,6% назорат гуруҳидаги 10,3% ва солиштириш гуруҳидаги 11,5 %га қарши:  $\chi^2=0,89$ ;  $p=0,64$ ) ва ДАБ $\geq 70$  мм.сим.уст. частотаси (20,8% назорат гуруҳидаги 13,8% ва солиштириш гуруҳидаги 13,1 %га қарши:  $\chi^2=2,73$ ;  $p=0,26$ ) деярли бир хил бўлди.

ТМИ $>24,7$  кг/м<sup>2</sup> ҳолининг учраши частотаси ГҚДли гуруҳда 44,8% ( $\chi^2=22,7$ ;  $p<0,0001$ ) ишончли юқори бўлгани ҳолида назорат (12,1%) ва солиштириш (27,9%) гуруҳларида бундай тана массасили аёллар кам бўлди.

Липид спектр кўрсаткичлари таҳлили жараёнида аниқландики, ОХС $\geq 4,49$  ммоль/л (назорат – 17,2%, солиштириш гуруҳи – 13,1% ва ГҚДли гуруҳ 24,5%;  $\chi^2=4,19$ ;  $p=0,12$ ) ва ПЗЛП $\geq 2,49$  ммоль/л (назорат – 13,8%, солиштириш гуруҳи – 13,1% ва ГҚДли гуруҳ – 18,2%;  $\chi^2=1,49$ ;  $p=0,47$ ) кўрсаткичлари бўйича гуруҳларда ишончли фарқ мавжуд эмас.

Айни вақтда ТГ $\geq 1,55$  ммоль/л (46,4% назорат гуруҳи 24,1% ва солиштириш гуруҳи 34,4% кўрсаткичларига қарши:  $\chi^2=10,1$ ;  $p=0,006$ ), ЮЗЛП $<1,01$  ммоль/л

(25,0% назорат гуруҳи 12,1% ва солиштириш гуруҳи 11,5% кўрсаткичларига қарши:  $\chi^2=8,25$ ;  $p=0,02$ ) ва нисбат ТГ/ ЮЗЛП  $>1,14$  (41,7% назорат гуруҳидаги 19,0% ва солиштириш гуруҳидаги 24,6 %га қарши:  $\chi^2=13,3$ ;  $p=0,001$ ) кўрсаткичлари ГҚДлилар гуруҳида аҳамиятли фарқланди.

Углевод алмашинуви кўрсаткичларининг таҳлили ГҚДли гуруҳ аёлларида инсулин  $> 19,8$  МКЕД/мл (65,1 % назорат гуруҳидаги 8,6 % ва солиштириш гуруҳидаги 11,5 %га қарши:  $\chi^2=90,3$ ;  $p<0,0001$ ) ва НОМА индекси  $> 2,32$  (63,0 % назорат гуруҳидаги 6,9 % ва солиштириш гуруҳидаги 6,6 %га қарши:  $\chi^2=95,9$ ;  $p<0,0001$ ) частоталарининг ошиғич қийматларини кўрсатди.

Тадқиқот давомида текширилган гуруҳларда айрим биомаркерларнинг учраш частотаси ўрганилди.

Жумладан, ГҚДли аёлларда ЖГБГ даражаси  $< 31,4$  нмоль/л (21,4% назорат гуруҳидаги 12,1% ва солиштириш гуруҳидаги 13,1 %га қарши:  $\chi^2=7,52$ ;  $p=0,02$ ), СРО  $\geq 4,56$  мг/л (31,3% назорат гуруҳидаги 13,8% ва солиштириш гуруҳидаги 23,0га қарши:  $\chi^2=7,45$ ;  $p=0,02$ ), D витамин  $< 20$  нг/мл (47,9% назорат гуруҳидаги 27,6%, солиштириш гуруҳидаги 32,8 %га қарши:  $\chi^2=9,80$ ;  $p=0,007$ ) и ферритин  $\geq 43,5$  нг/дл (20,8% назорат гуруҳидаги 8,6% ва солиштириш гуруҳидаги 9,8 %га қарши:  $\chi^2=7,52$ ;  $p=0,02$ ) бўлиши ҳолатлари кўпроқ қайд этилгани аниқланди.

Маълумки, аҳамиятли статистик корреляцион ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги у ёки бу кўрсаткичнинг касаллик ривожланиши хавфи маркери сифатида тан олинishi учун зарурий шарт ҳисобланади. Ушбу мақсадда ГҚД маркерларининг клиник-анамнестик маълумотлар, гинекологик, соматик патология параметрлари, шунингдек патологиянинг ҳомиладорлик давомидаги кўрсаткичлари билан корреляцион муносабатлари баҳоланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### ГҚДда энг аҳамиятли ўзгарувчилар корреляцияларининг матрицаси

Кўрсаткичлар	Ёш	Паритет	Наслида ҚД бўлиши	Вазнининг ортиши	Елка ўртача учдан бирининг айланаси	Макросомия	ТМИ	ТГ	ЮЗЛП	ТГ/ЮЗЛП нисбати	Инсулин	НОМА индекси	ЖГБГ	СОБ	D витамини	Ферритин
Ёш		0,38●	0,07	0,42#	0,29*	0,12	0,09	0,17	0,12	0,05	-0,01	0,08	-0,06	0,18	-0,02	0,14
Паритет	0,38●		0,12	0,33●	0,09	0,34●	0,02	-0,09	0,11	0,03	-0,07	0,10	0,08	0,20	0,16	0,11
Наслида ҚД бўлиши	0,07	0,12		-0,21	-0,06	0,19	0,41#	-0,04	-0,09	0,12	0,37●	0,38●	0,03	-0,16	0,04	-0,07
Вазнининг ортиши	0,42#	0,33●	0,21		0,34●	0,31*	0,46#	0,42●	-0,36●	0,31*	0,32●	0,51#	-0,12	0,05	0,13	0,08
Елка ўртача учдан бирининг айланаси	0,29*	0,13	-0,06	0,34●		0,63#	0,61#	0,73#	-0,64#	0,79#	0,18	0,11	-0,07	-0,11	-0,10	0,16
Макросомия	0,12	0,34●	0,19	0,31*	0,63#		0,33●	0,39●	-0,30*	0,64#	0,38●	0,35●	-0,13	0,08	-0,13	0,11
ТМИ	0,09	0,02	0,41#	0,46#	0,61#	0,33●		0,31*	-0,28*	0,37●	0,33●	0,30*	0,09	0,14	-0,37●	-0,16
ТГ	0,17	-0,09	-0,04	0,42●	0,73#	0,39●	0,31*		0,11	0,28*	0,47#	0,51#	-0,05	-0,11	0,14	-0,09
ЮЗЛП	0,12	0,11	-0,09	0,36●	-0,64#	-0,30*	-0,28*	0,11		-0,29*	0,37●	-0,34●	0,16	-0,12	0,07	0,04
ТГ/ЮЗЛП нисбати	0,05	0,03	0,12	0,31*	0,79#	0,64#	0,37●	0,28*	-0,29*		0,74#	0,69#	0,09	-0,07	0,12	0,15
Инсулин	-0,01	-0,07	0,37●	0,32●	0,18	0,38●	0,33●	0,47#	-0,37●	0,74#		0,29*	-0,71#	0,68#	-0,42#	0,61#
НОМА индекси	0,08	0,10	0,38●	0,51#	0,11	0,35●	0,30*	0,51#	-0,34●	0,69#	0,29*		-0,65#	0,76#	-0,56#	0,70#
ЖГБГ	-0,06	0,08	0,03	-0,12	-0,07	-0,13	0,09	-0,05	0,16	0,09	-0,71#	-0,65#		-0,06	0,36●	-0,29*
СРО	0,18	0,20	-0,16	0,05	-0,11	0,08	0,14	-0,11	-0,12	-0,07	0,68#	0,76#	-0,06		0,13	0,38●
D витамини	-0,02	0,16	0,04	0,13	-0,10	-0,13	-0,37●	0,14	0,07	0,12	-0,42#	-0,56#	0,36●	0,13		-0,09
Ферритин	0,14	0,11	-0,07	0,08	0,16	0,11	-0,16	-0,09	0,04	0,15	0,61#	0,70#	-0,29*	0,38●	-0,09	

Изоҳ: статистик аҳамиятлилик: \* -  $p<0,05$ , ● -  $p<0,001$ , # -  $p<0,0001$

Таҳлил ўтказиш давомида ёш билан паритет ( $r=0,38$ ;  $p<0,001$ ), ҳомиладорлик даврида вазнининг ортиши ( $r=0,42$ ;  $p<0,0001$ ) ва елка ўртача учдан бирининг айланаси ( $r=0,29$ ;  $p<0,05$ ) орасидаги ўрта даражадаги



корреляцион муносабат аниқланди. Ўз навбатида паритет ҳомиладорлик даврида вазнининг ортиши ( $r=0,33$ ;  $p<0,001$ ) ва макросомия ( $r=0,34$ ;  $p<0,001$ ) омиллари билан корреляцияга эга бўлди.

Ўрта даражадаги корреляцион муносабат наслда ҚДга мойиллик ( $r=0,41$ ;  $p<0,0001$ ) ва ТМИ ( $r=0,37$ ;  $p<0,001$ ) орасида, инсулин даражаси ( $r=0,37$ ;  $p<0,001$ ) ва НОМА индекси ( $r=0,38$ ;  $p<0,001$ ) орасида аниқланди.

Кейинги таҳлил кўрсатишича, ҳомиладорлик даврида вазнининг ортиши омили кўпгина омиллар билан, жумладан елка ўртача учдан бирининг айланаси ( $r=0,34$ ;  $p<0,001$ ), макросомия ( $r=0,31$ ;  $p<0,05$ ), ТМИ ( $r=0,46$ ;  $p<0,0001$ ), ТГ ( $r=0,42$ ;  $p<0,001$ ), ТГ/ЮЗЛП нисбати ( $r=0,31$ ;  $p<0,05$ ), инсулин даражаси ( $r=0,32$ ;  $p<0,001$ ) ва НОМА индекси ( $r=0,51$ ;  $p<0,0001$ ) билан ўртача даражадаги тўғри корреляцион муносабатга, ЮЗЛП даражаси билан эса тескари ( $r=-0,36$ ;  $p<0,001$ ) корреляцион муносабатга эга.

Олинган натижалар елка ўртача учдан бирининг айланаси билан макросомия ( $r=0,63$ ;  $p<0,0001$ ), ТМИ ( $r=0,61$ ;  $p<0,0001$ ), ТГ ( $r=0,73$ ;  $p<0,0001$ ), ТГ/ЮЗЛП нисбати ( $r=0,79$ ;  $p<0,05$ ) ва ЮЗЛП даражаси ( $r=-0,64$ ;  $p<0,0001$ ) ораларидаги кучли корреляция мавжудлигини кўрсатди.

Липид спектри кўрсаткичлари (ТГ даражаси ва ЮЗЛП) инсулин даражаси (мос равишда  $r=0,47$ ;  $p<0,0001$ ;  $r=-0,37$ ;  $p<0,001$ ) ва НОМА индекси (мос равишда  $r=0,51$ ;  $p<0,0001$ ;  $r=-0,34$ ;  $p<0,001$ ) билан корреляцияга эга бўлишди. ТГ/ЮЗЛП нисбати билан инсулин даражаси ( $r=0,74$ ;  $p<0,0001$ ) ва НОМА индекси ( $r=0,69$ ;  $p<0,0001$ ) орасида кучли корреляцион муносабат мавжудлиги аниқланди.

Биомаркерлар орасидаги корреляцион муносабатлар таҳлил этилганида ЖГБГ даражаси билан инсулин даражаси ( $r=-0,71$ ;  $p<0,0001$ ) ва НОМА индекси ( $r=-0,65$ ;  $p<0,0001$ ) орасидаги кучли тескари муносабат ва ферритин даражаси ( $r=-0,29$ ;  $p<0,05$ ) билан ўртача тескари муносабат, витамин D даражаси билан ( $r=0,36$ ;  $p<0,001$ ) тўғри муносабат аниқланди. СРО даражасининг инсулин даражаси ( $r=0,68$ ;  $p<0,0001$ ) ва НОМА индекси билан ( $r=0,76$ ;  $p<0,0001$ ) юқори даражали корреляцияга, ферритин даражаси ( $r=0,38$ ;  $p<0,001$ ) билан эса ўртача даражадаги корреляцияга эга эканлиги таъкидланди.

Ўз навбатида ферритин даражаси инсулин даражаси ( $r=0,61$ ;  $p<0,0001$ ) ва НОМА индекси ( $r=0,70$ ;  $p<0,0001$ ) билан кучли корреляцияга эга бўлди. D витаминининг корреляцион муносабатлари таҳлил этилганида унинг ТМИ ( $r=-0,37$ ;  $p<0,001$ ), инсулин даражаси ( $r=-0,42$ ;  $p<0,0001$ ) ва НОМА индекси ( $r=-0,56$ ;  $p<0,0001$ ) билан ўртача тескари муносабатга эга эканлиги топилди.

Шундай қилиб, ГҚД учун ёш билан паритет ( $r=0,38$ ;  $p<0,001$ ), ҳомиладорлик вақтида вазнининг ортиши ( $r=0,42$ ;  $p<0,0001$ ) ва елка ўртача учдан бирининг айланаси ортиши ( $r=0,29$ ;  $p<0,05$ ) орасидаги корреляцион муносабат таснифи мавжуд.

Шу билан бирга паритет ҳомиладорлик вақтида вазнининг ортиши ( $r=0,33$ ;  $p<0,001$ ) ва макросомия ( $r=0,34$ ;  $p<0,001$ ) билан корреляцияга эга. Липид спектри кўрсаткичлари (ТГ даражаси ва ЮЗЛП, ТГ/ЮЗЛП нисбати) ва углевод алмашинуви (инсулин даражаси ва НОМА индекси) орасидаги корреляция аниқланди. Лаборатор биомаркерлар (ЖГБГ, СРО, ферритин ва D витамини) билан инсулинга резистентлик кўрсаткичлари орасидаги турли

йўналишдаги ўзаро муносабатлар аниқланди.

Тўртинчи «Хавф омиллари ва гестацион қандли диабет ривожланишини башоратлаш» бобда ҳар бир қаралган омилнинг прогностик қийматига баҳо берилди.

Логистик регрессион таҳлил усули ёрдамида ГҚД клиник-анамнестик ва лаборатор предикторларининг аҳамиятлилик даражаларига баҳо берилди.

